

## **ДИНШУНОСЛИККА ОИД БИЛИМЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК- ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Мадаминова Наргиза Зухридиновна  
University of Sciense and Technologies  
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири,  
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

Жамиятда динга бўлган муносабат, муайян диний таълимот, ҳис-туйғу, тоат-ибодат ва диний ташкилотларнинг фаолияти орқали намойиш этилади. У олам ва ҳаётнинг яралишини идрок этиш усули сифатида инсоният пайдо бўлгандан токи ҳозиргача бўлган даврларни дунёвийлик ва динийлик тарзида тасаввур-тафаккур қилишда акс этади. Дин комил инсонни тарбиялашда салмоқли қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий куч ҳисобланади.

Талабаларда диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик омилларини таҳлил этар эканмиз, психологик омилларда талаба шахсининг дунёвийлик ва динийликни уйғун англашини интеллектуал, эмоционал ва мотивацион соҳалар билан алоқадорликда ўрганишга эътибор қаратилади. Педагогик жараёнда талабанинг билим, кўникума ва малакасини ривожлантиришда ёш, жинс, мойиллик, ҳиссиёт, ирода, руҳияти (худудлар кесимида), теологик ва илмий билимлар базаси (курслар кесимида) ва аксиологик (оила анъаналари кесимида), қизиқиши даражаларидан келиб чиқиб рағбатлантириш даражалари (педагогик маҳорат, мураббийлик, маънавий-маърифий тадбирлар) мониторинги олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, диншуносликка оид билимларни ривожлантиришда мотив, мақсад, ҳис-туйғулар, шахслик сифатлари, рефлексиянинг ўрни муҳим. Диншуносликка оид билимларни ривожлантиришнинг психологик хусусиятларини аниқлаштириш жараёнда миллий тарбия, тарбия парадигмалари, ахборот истеъмоли маданияти, деонтологик тайёргарлик каби педагогик омилларга қатъий риоя қилиш имкониятлари, жумладан, миллий тарбияда кибермаконда ишлаш жараённида манбаларни таҳлил қилиш (ҳадислардан самарали фойдаланиш), контент истеъмолида бирламчи манбаларга асосланиш, ахборотни тўғри етказиб бериш аниқлаштириш зарур. Масалан, оиласда носоғлом муҳит мавжуд оиласлардаги ўзини ёлғиз ҳис қилган, ҳаёт мазмунини йўқотган ёшлар ўртасида кенг тарқалиб бораётган хавфлардан бири – суицид муаммосига қарши айнан динга оид билимларни ошириш орқали (профилактика) мафкуравий иммунитет ҳосил қилинади. Инсоннинг ўз жонига қасд қилиши динда гуноҳи кабира, яъни энг катта гуноҳ саналиши<sup>1</sup>, агар инсон ўзини ўзи осса ёки отса, то қиёматга қадар қилмишига яраша қайта-қайта, такрорий ва давомий жазо олиши муқаррар эканлиги хусусидаги фикрлар манбалар орқали талаба-ёшлар онгига етказилса, сезиларли даражада хавфни чеклаш имконияти ортади.

<sup>1</sup> Қаранг: Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири, “Нисо ” сурасининг 29-ояти мазмуни. –Т.: 2007. –6.624.

“Талабаларда ахборотларни ҳис этиш, тасаввурий қабул қилиш, ўрганилаётганларига нисбатан қизиқиш ва эҳтиёжларни таркиб топтириш, аксеологик фикрлаш ва дунёқараашни ривожлантириш асосида уларда яхлит қадриятлар тизимини педагогик аксеология нуқтаи назаридан ўрганиш, мұхым аҳамият касб этади”<sup>2</sup>. Ёшларнинг маърифий-маданий тарбиясида миллий ва диний қадриятлар, диншуносликка оид билимлар имкониятларидан фойдаланиш ўз ижобий натижасини бермасдан қолмайды.

Жумладан, зардыштийлик, ислом динларидағи кунига беш вақт ювиниб, покланиб, ибодат қилиш инсонни тоза, озода бўлиб юришга, умуман, инсонда соғлом турмуш тарзининг шаклланишига, гигиеник билимлари ривожланишига олиб келади. Бундан ташқари, ҳар қандай динда зино эркак учун ҳам, аёл киши учун ҳам катта гуноҳ саналади. Диннинг асл моҳиятини тушунган инсон ҳеч қачон зино қилмайди. Бу эса насл тозалигини сақлашга ҳамда жамиятнинг маънан юксалишига хизмат қиласади.

Узоқ тарихга эга бўлган халқимиз бир неча минг йиллардан бери кўпгина омиллар таъсирида шаклланиб, ўзгариб келган. Бу жараёнда унинг рухиятига таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири диндир. Дин инсониятга таъсир этадиган улкан маънавий маданиятнинг бир бўлаги ҳисобланади. Дин орқали инсон ҳаётида маълум бир психологик жараёнлар содир бўлади. Инсонларнинг турмуш тарзи, ҳаётида учрайдиган муаммоларини ҳал этишда ҳам дин ўз таъсирини кўрсатади.

Дин ижтимоий онг шаклларидан бири ҳисобланиб, инсон миясида ҳосил бўлувчи мавҳум, иллюзион тасаввурий, ҳаёлий образ ва тушунчалардан ташқарида бўлувчи ҳодиса, шунингдек, эътиқоддир.

Маълумки, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатланиб, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари, диний бағриенглик мұхити мустаҳкамланган. Лекин эътиқод эркинлигини нотўғри тушуниб, эътиқод ҳар кишининг ўзининг иши деб, ёшларимизни турли бузғунчи ташкилотлар ихтиёрига ташлаб қўйиш ҳам керак эмас. Дин инсон рухияти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ёшлар ҳаётда ўз шахсий позициясини белгилаб олиши учун уларга дин ҳақида объектив илмий маълумот бериш зарур. Диннинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш мұхим аҳамият касб этади. Чунки дин – инсон ҳис-туйғуларига таъсир этувчи кучли восита.

Ҳар қандай дин инсон ва жамият ҳаётида компенсаторлик, интеграторлик, регуляторлик, коммуникативлик, легитимловчилик вазифаларини бажаради. Санаб ўтилган диннинг функциялари инсон рухияти билан боғлиқ жараён ҳисобланиб, бевосита инсонлар хатти-ҳаракатида, амалий фолиятида намоён бўлади. Бу эса жамият барқарор ривожланишида мұхим аҳамият касб этади.

Диннинг психологик муаммоларини ўрганиш бўйича бир қатор мактаб ва йўналишлар вужудга келган. Улар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, замонавий тадқиқотларнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Қуйида уларнинг асосийларини келтириб ўтамиз:

<sup>2</sup>Тайланова Ш.З. Педагогика Олий таълим муассаси талабаларида қадриятли тасаввурлар тизимини шакллантириш. Пед.фан.ном. ... дисс. авторефарати. – Т.: 2012. - Б. 20, 23.

Дин психологияси ривожига улкан ҳисса қўшган америкалик олим У.Жеймснинг (1842-1910) фикрича, индивиднинг динга ишонувчанлиги унинг психик хусусиятларидан келиб чиқади. У шундай дейди: “....дин деганда алоҳида шахснинг ҳиссиёти таъсири ва малакалари умумлашмаси, қайсики уларнинг моҳиятида Худога бўлган муносабатнинг асоси ётади”<sup>3</sup>. Бошқача қилиб айтганда, инсондаги эмоционал кечинмаларга дин пайдо бўлишининг асоси сифатида қарайди.

Дин психологиясида ўзига хос мактабни шакллантирган яна бир олим австриялик психолог, невропатолог, психиатр Зигмунд Фрейд ҳисобланади. “Худо, – деб ёзади Фрейд, – ўзининг уч томонли вазифасини сақлаб туради: табиат олдидаги даҳшатни йўқ қиласди, ўлим образида келган даҳшатли тақдир билан муросага келтиради, маданий тўдадаги инсонни зиммасига тушган қийинчиликлари ва йўқотишлари учун тақдирлайди”<sup>4</sup>. Демак, дин инсонда кўркув ҳиссини йўқотиб, кейинги ҳаётида яшаб кетишига умид бағищлашини кўришимиз мумкин. Фрейднинг фикрича, деб ёзади Ф.Абдурахмонов “динга ишониш – бу иллюзия, инсониятнинг қадими, кучли истакларини рўёбга чиқишидир”<sup>5</sup>. Бунда олим дин эҳтиёж натижасида пайдо бўлганлигини таъкидлайди.

Швейцариялик олим, врач-психоаналитик К.Г.Юнг: (1875–1976) “Дин – руҳонийлар тажрибаси билан ўзгартирилган, онгни мустаҳкамлашни англатадиган тушунча”, деган фикрни илгари суради. К.Г.Юнг психологиядан диннинг ғайритабиий манбаи бор эканлигини исботлаш учун фойдаланди. Швейцариялик мутафаккир инсон руҳи табиатан динийдир, деган фикрни исботлашни ўз вазифаси қилиб олди. Инсоннинг руҳи – бу илоҳиёт оламига бир дарчадир, деб таъкидлайди<sup>6</sup>. У ўз қарашларини “Психология ва дин”, “Психология ва алкимё”, “Психология ва тарбия” ва шунга ўхшаш кўпгина асарларида ёритиб ўтган.

Хорижий олимларнинг тадқиқотларини таҳлил этар эканмиз, диний эътиқод индивиднинг психик хусусиятлари, шахснинг ҳиссиётлари, инсондаги эмоционал кечинмалар, табиат билан уйғунлашув, тақдир зарбалари ва майший талабларда компенсаторлик, овутувчи (мотивация, тасалли, рағбат), тўлдирувчи вазифаларни бажариши орқали қийинчиликлар ва йўқотишларни енгиб ўтишга асос бўлувчи руҳий-илоҳий куч эканлиги қайд этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Мазкур қарашларни маҳаллий олимларимиз қарашлари билан қиёсий тадқиқ этамиз.

П.С.Эргашевнинг фикрича, диний билимларни эгаллаш орқали инсон турли ҳаётий масалаларнинг диний талқинидан хабардор бўлади, ўз фарзандларига маънавий-ахлоқий жиҳатдан яхши тарбия бера олади, яратганинг инсонга нисбатан талаблари қандай эканини англайди, ҳаётнинг оғир синовларида ўзига таскин топади, турли диний таълимотларнинг яқин

<sup>3</sup> Джеймс.У. Многообразие религиозного опыта. - М.: Наука, 1993. – С. 40.

<sup>4</sup> Фрейд З. Будущее одной иллюзии. / Психоанализ, религия, культура. – М.: 1992. – С. 30.

<sup>5</sup> Абдурахмонов Ф., Абдурахмонова З. Дин психологияси. – Т.: ЎзРФА Фалсафа ва хуқуқ институти, 2011. – Б. 18.

<sup>6</sup> Юнг К.Г. Об архетипах коллективного бессознательного. / Юнг К.Г. Архетипы и символ. – М.: Ренессанс, 1991. –С. 100.

ва фарқли жиҳатларини тушунади, охират савол-жавобларига тайёр бўлади, бузғунчи диний ғоялар таъсирига тушиб қолмайди, иймонини кучайтирувчи ва заифлаштирувчи ҳолатларни билади, диндошлар гуруҳида укувли ва ишончли ҳис қиласи, ҳаётини шаръий қоидаларга кўра ташкил эта олади<sup>7</sup>.

Бизнинг фикримизча, дин инсонларнинг ижтимоий хулқ-авторини назорат қилишга ёрдам беради, инсонларни уюштиради, жамият аъзолари мувозанатини тиклаб, ижтимоий муҳитни соғломлаштиради, одамлар ўртасида мулоқот ва муносабатнинг асоси бўлиб хизмат қиласи.

Диншуносликка оид билимларни ривожлантиришда “оила—олий таълим муассасалари—диний ташкилотлар”нинг ўзаро ҳамкорлигини тъминлаш ҳамда витаген таълим (ҳаётий тажриба, ибрат-намуна) когнитив фаолиятга таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади.

Соғлом диний эътиқодни қарор топтиришда оила муҳитини соғломлаштириш, миллий ва диний қадриятлар моҳиятини катта авлоднинг ибрат-намунаси орқали ёшлар онгига сингдириш, олий таълим муассасаси, диний ташкилотлар (Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, зиёратгоҳлар, конфесиялар) ҳамкорлигини (ибрат-намуна, фикрга ишонтириш технологияси вертикал педагогика асосида) ташкил этиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Эмоционал интелект - инсонларнинг кечинмалари, мотивацияси ва истакларини англаш, уларнинг кучли ва заиф томонларини билиш, стрессга берилмаслик, шунингдек, уларнинг ҳис-туйғулари ва ҳиссиётларини бошқариш қобилиятидир.

Талабаларда диншуносликка оид билимларни эмоционал интеллект орқали ривожлантиришда фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўзини-ўзи англаши қуидагиларда намоён бўлади: хушмуомалалик, самимилик, меҳнатсеварлик, илм-маърифатли бўлиш ва х.к. Тарбия кўрган шахснинг юриш-туриши, маданий муомаласи, гўзал хулқ-автори жамиятдаги ижтимоий муносабатлар характерига таъсир этиб, келажакда баркамол шахслар жамоасининг шаклланишига замин ҳозирлайди.

Касбий ўз-ўзини англаш деганда инсоннинг ўз ақлий қобилияtlари, жисмоний имкониятларини маълум бир соҳага қўллай олиш лаёқати, шунингдек, йиллар давомида етук ва малакали мутахассис бўлиб етишиши тушунилади.

Фуқаролик ўз-ўзини англаш деганда фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий бурчни ҳис этиш, қонунчиликни моҳиятини англаш, фаол фуқаро позициясига эга бўлиш, тенглилка, эркинликка, адолат ўлчовига риоя қилган ҳолда моддий ва маънавий бойликларни бунёд этишда бевосита иштирок этиш.

Фуқаролик ўз-ўзини англаш ва интизоми яхши йўлга қўйилган жамиятда меҳнат унумдорлиги ошиб боради, соғлом ахлоқий-руҳий муҳит қарор

<sup>7</sup> Эргашев П.С., Холматов М.А. Диний билимлар аҳамиятини баҳолашда ирроционал устаовкалар омилининг намоён бўлиши. Ўзбекистонда дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари номли илмий тўплам. – Т.: 2019. –Б. 62-63.

топади, фуқаронинг фаоллиги ошиб, давлат ижобий томонга қараб тараққий этиб бораверади.

Талабаларда диншуносликка оид билимларни эмоционал интеллект орқали ривожлантиришда фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўзини-ўзи англаши каби тарбия усулларининг позитив интеграциялашуви натижасида инсоннинг психологик имкониятларини касбий фаолият мазмуни ва талаблари билан бўлган жиҳатларини мустақил англаб олиши, шунингдек маълум вазиятда муаммони ҳал этиб, тўғри хulosса чиқара олиш қобилияти шакллантирилади.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, инсонлар ҳаётида ва жамият маънавий фаолиятида диннинг ўрни ниҳоятда катта. Инсонлар, жумладан, талаба-ёшлар ҳам ўз руҳий-психологик кечинмалари, динга сифинишлари билан жамият ҳаётига таъсир ўтказадилар. Талабаларда диншуносликка оид билимларнинг тўғри ривожланганилиги жамиятимизнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам диний маърифатни ривожлантириш долзарб масалалардан бирига айланди.